


Ю 25726
0



НОРИНСО
КОСИМОВА
СОФИНЧ

Шеърлар



25726

to o

2000A-2898

Бочарова, А.
Ильин -

2000A-2898

НОРИНИСО ҚОСИМОВА

СОФИНЧ

Шеърлар

Тошкент

А. Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти
2000

Үз2
К 61

Мұхаррир ЖОНИБЕК СУБХОН

Қосимова Н.

Софинч: Шеърлар.— Т.: А. Қодирий номидаги Халқ мероси нашр., 2000.—32 б.

Мехр-муҳаббат — инсонни поклайдиган, покиза туйфуларга, хайрли амалларга даъват этадиган бир қудратли күчdir. Уни англаган, қадрлаган инсон ўзида сабр-матонат, бардош ва қаноат топади, ҳаётга шукронади билдиради, ҳаётнинг азобу синовларидан омон ўтади. Онасига, она қишлоғига соғинчи, фарзандларига боғланган умри ҳаққи мардана, ҳалол-покиза яшашга инилиди...

Үз2

К 4702020202 – 222
М361(04) – 2000 гриф – 2000

ISBN 5-86484-083-1

A

O'zb. Res. DK
2898

© Норинисо Қосимова, А. Қодирий номидаги халқ мероси нашршети, 2000 ы.

2

10 25726
0

ҮЛКАМ БАҲОРИ

Тупроқ ҳиди анқийди бирам,
Ўзгача тус олгансан, ўлкам!
Қалдирғочнинг қанотида хат,
Шодлик солди қўнглимга кўклам.
Ўлкам, ўлкам, баҳор муборак!
Насибанг мўл наҳор муборак!

Дехқон бобо ташвишлари мўл,
Меҳнатидан ёришар кўнгил.
Пахтакору чорвадор бу эл,
Улуғланар ҳар жафокаш қўл.
Ўлкам, ўлкам, баҳор муборак!
Насибанг мўл наҳор муборак!

Шабнам чайган мусаффо юзим,
Она халқим, ўзимсан, ўзим.
Ўхшиши йўқ қўшиғим, созим,
Ўзбекистон — тандаги жоним.
Ўлкам, ўлкам, баҳор муборак!
Насибанг мўл наҳор муборак!

ОНАЖОН

Софиниб-софиниб келаман гоҳо,
Қишлоғимдай кенгдир бағринг, онажон.
Хаёт ташвишлари зиммамда бутун,
Юракда истаклар уради туғён.

Дунёни кўксимга босиб турибман,
Сен мени ардоқлаб суйганинг каби.
Шу боис оқшомги тушларимда ҳам,
Жилмайиб туради оламнинг лаби.

Ясамоқ истайман ўзга бир қуёш,
Нур билан йўғрилсин юрар йўлларинг.
Мустакил юртимнинг шукрин айтмоқقا,
Чўзилсин табаррук сенинг қўлларинг.

ҚИШЛОҒИМДА

Бирданига тинди оқ ёмғир,
Оlam чунон кетди ёришиб.
Назаримда болалар ҳозир,
Камалакни тутар боришиб...

Бир ёнда жим асо таяниб,
Соқолини тутамлар бир чол.
Фалланими ўйлар тикилиб,
Ё пахтани ўйларди алқол.

Мен энтикиб дарча ёнида
Сигмаяпман дунёға жүпшиб.
Биллур томчи, ювилган гуллар
Ва тупроқни қучяпман қўшиб.

Қучяпман бу оппоқ дунёни...

КЕЛ, КҮКЛАМ

Табиатнинг сўлим келини —
Кўклам, бутун кўнгилларга шоп.
Қалдирғочнинг қанотида хат,
Ёзилгани — муҳаббат, отап.

Лолаларга айланган юрак
Ҳузурингта йиглаб чопади.
Оҳ, келмади, кутди, бесамар,
Энди ишқни сендан топади...

Қизалоқнинг сочида чамбэр,
Чучмоманинг хушбўйдир тоти,
Баҳоргинам, қалбим юпанчи,
Асли ўзинг тириклик оти.

Ҳориганим сезганимда кел,
Ёлғонлардан безганимда кел.
Бевафонинг жафоси сабаб
Жондан умид узганимда кел!

КҮКЛАМ ТАРОНАСИ

(халқ йұлида)

Униб чиқди бойчечак,
Дараҳтда бүртди куртак,
Қиз сочида тол баргак,
Баргакка құшиқ керак.

Учиб келди оқ лайлак,
“Қайнатайлик сумалак!”
Ҳаммада ҳам шу истак,
Истакка құшиқ керак.

Қызлар қиплоқда юлдуз,
Тасвирига ожиз сүз.
Күкламдан шудланар күз,
Күкатта құшиқ керак.

РУХИЯТ

Миллионлар сиққан шаңарга,
Сиролмаган рұхим азобда.
Олис қишлоқ бағрида дилгир,
Онам ўйлар мени шу тобда...

Үқинчларин эслайман маъюс..
“Яратибман болам, жабрга!”
Оҳ, онажон, куйинмак нечун,
Дүст тугинсам Сабот, Сабрга.

Менинг ёруғ кунларим яқин,
Кўзларимда ранглар ёғдуси,
Қаранг, кулар қўлларимда шод,
Мен кечикиб топган келгуси...

МАНЗАРА

Қизларнинг лабида хандон табассум,
Кўклам суруридан юзлари гулгун.
Хайратта йўғрилган туйғулар маъсум,
Анвойи гуллардай ҳар бўй қиз дур кун...

Ўн саккиз баҳорни ҳаприқиб қучт:н,
Орзулар чақнаган шу кўзлар кулсин.
Беғубор ёшликнинг завқи қошида
Зангор табиат ҳам таъзимда бўлсин...

ИРОДА

Тоғлар, менга беринг иродада,
Қайта тоблай энди ўзимни.
Кўшиқ билмас дилдан нарида
Куйга солай чидам, тўзимни.

Тоғлар, менга беринг иродада,
Қалбим бўлсин энг чиройли қалб.
Бузолмасин, ишқимдан зада
Ҳижрон деган бешафқат бир зарб!

СОФИНЧ

Софинчларим менинг солар дод,
Бардошим ҳам бўлади барбод,
Қила олмас далдалар ҳам шод —
Сенсиз қолиб кетган чоқларда...

Ярашмайди кулгу лабимга,
Кувонч гўё ямоқ таъбимга,
Ёт туюлар сехр гапимга —
Сенсиз қолиб кетган чоқларда.

Сигинаман янги ойга, рост
Сўрагайман сабр ҳам тоқат.
Яшаш оғир, ҳаёт берагбат —
Сенсиз қолиб кетган чоқларда...

СЕН КЕТАРСАН

Сен кетарсан, ортингда,
Мен қоламан күз ёшлаб.
Хаёт йўлин азобин
Ўйлаганча дил ғашлаб.

Сен кетарсан, ортингда
Қолар ҳувиллаб уйим.
Муҳр янглиғ жойланар
Қалбинита менинг куйим.

Сен кетарсан, ортингда
Ёниқ бир қалб қолади.
Хоҳи тун, хоҳи кундуз
Ўйингга чанг солади.

Сен кетарсан, ўйингда
Мангу қолар “ўша” қиз.
Сен юражак йўлларда
Ёғдулардан тўшлаб из.

ЯНА БАҲОР

Деразамдан боқдим тонг-саҳар,
Тоғлар яққол турар кўриниб.
Кўклам чоги адир бағрида,
Ниш уради чекак уриниб.

Шабадалар — қалбим ҳислари
Хукмрондир ўй-хаёлимга.
Болаликка гувоҳ чорбоғлар
Ўйлантирас кўймай ҳолимга.

Эртапишар гилос остида
Дугоналар ўйнардик тўп-тош.
Қош қорайиб, пода қайтар-у,
Бизлар бегам, беташвиш, бебош.

Ҳоримоқни билмай қир ошиб,
Ялпиз териб қайтиб келардик.
Дала кезиб, дилни тўлатиб,
Қўшиқларни айтиб келардик.

У — беғубор болалик дамлар,
Гўдагимнинг ўтли кўзидай.
Яна келди баҳор бағримга
Дўстларимнинг иссиқ сўзидай...

ТОНГГИ ЎЙЛАР

Тонг отмоқда умидим каби оқарыб,
Демак қизил гуллар безар құлимни.
Қуёш сочган дунё-дунё зар ёғду
Ёритади юражак ўз йўлимни.

Тилим топмас чорасини айтмоқда
Юракдаги энг пинҳона қўшигин.
Истаклар жим бўйин эгар қошимда,
Ҳисларим-чи, ёриб ўтар тўсигин.

Олисларга етаклама, учқур от,
Кетмагайман тонгларимни ҳеч ташлаб.
Агар кетсам... менсиз қолиб алп тоғлар,
Мунгайишар, айрилиқдан кўз ёшлиб...

ШАҲНОЗАГА

(мучал тўйи муносабати билан)

Гул шохида гулғунчам,
Боғимдаги булбулчам.
Мучал ёшинг муборак,
Шаҳнозахон, сингилчам.

Осмондаги ой бўлгин,
Малоҳатта бой бўлгин.
Гулгун қизлар ичинда
Ўзинг гулчирой бўлгин.

Кўнгил уйин тўлдириб,
Тенгқурларинг кулдириб,
Онангни қувонтирдинг
Мучал ёшига кириб.

Доим ёруғ юз бўлгин,
Бир париваш қиз бўлгин.
Қирқин қизлар ичинда
Порлаган юлдуз бўлгин.

ҲАЁТ ҚУВОНЧИ

Шамолларга туғиб кўксимни,
Чўл ҳавосин симиридим тўйиб.
Димогимда — гулларнинг бўйин,
Юрагимда баҳт куйин туйиб.

Чопиб кетгум келяпти ҳозир,
Уфқ томон чўзиб кўлимни.
Изларимдан келади кимдир,
Бир-бир тўшаб қизил гулини.

Ўша кимдир — менинг суянчим,
Ўша борки, борман тиргакда.
У — борлигим, ҳаёт қувончи
Муҳаббатим — оппоқ йўргакда...

ИЛТИЖО

Яхшиларга етказ, худойим,
Дийдоридан этма мосуво.
Шулар боис тирикман доим,
Шулар билан мунааввар дунё.

Чулғаганда күнгилни армон,
Яшаш оғир туюлган дамда,
Тұяр бўлсам ҳаттоки жондан,
Рўбарў қыл сўнгти қадамда —
Яхшиларга еткиз, худойим...

НОМАЪЛУМ АСКАРГА

Осмон бўлиб қолдингми, айт,
Хаёл мисол толдингми, айт.
Ёш шошқалоқ сабо янглиғ
Дилга севинч солдингми, айт.

Ё бағримга сочиб ёғду,
Лабда қотдинг мисли кулгу.
Ё саноқсиз милт-милт юлдуз
Каби ёңгунг эндиғмангу?..

СИЗ БАХТЛИСИЗ

Сиз баҳтлисиз, кўзингиз
Бунча боқади шодон.
Сўзласангиз энтикиб,
Тинглаяпман мен нодон.

Ёшлик — ёшлиқ, билмадим
Илк севгининг қимматин.
Англаб етмадим, доғи
Куйдирмоғин туну кун.

Бағрим қону сездирмай
Куламан хандон, шодон.
Кўксимни оҳу доғлар
Ўртаса-да беомон.

Куламан, бу қулгулар,
Доду фарёдан оғир.
Агар, агар билсангиз
Дунёим бўлган охир...

БАГРИМНИ БУТ ҚИЛГИН

Бағримни бут қилгин, худойим,
Омон бўлсин отам ва онам.
Улар билан обод жаҳоним,
Сезилмагай ғаму андуҳ ҳам.

Жойнамозда сўраганим шу,
Туним кунга улаганим — у,
Ҳам ўтинчим, юпатган туйғу —
Бағримни бут қилгин, худойим.

Насиҳатин этмайин канда,
Хоҳ шодумон, хоҳ ғамгин дамда.
Қуёш, ойдай суюкларимни,
Йироқ эттил фироқ-аламдан.

Бир ожизам алқасин, десанг,
Саодатда балқисин, десанг.
Ёруғ-ёруғ кунларим учун,
Суянч тоғим омон асрарин —
Бағримни бут қилгин, илоҳим...

СИЗ КЕЛГАНДА

(Ҳамид Олимжонни эслаб)

Кўклам кезар қорли тоғларда,
Гулга тўла чаман, боғларда.
Бахмал қири адирда лола,
Гўё бахтга тўлиқ пиёла.
Гул юзида марварид маржон,
Сиз қайдасиз, Ҳамид Олимжон?

Кўз-кўз қилар Жиззах жамолин,
Келинг, бирга этайлик сайд.
Пахтакорлар тутган камонин,
Бир кўрайлик, нақадар чайир!
Ҳув кузакда бўй чўзар хирмон,
Чорлаб сизни, Ҳамид Олимжон.

Жиззах бугун мисли Фарғона,
Кўм-кўк... кўм-кўк... очгандир чирой.
Гўзаликка тўлган шу она —
Чўл бағридир сахий, хотамтой.
Ўзбекистон ҳадя этган шон,
Эҳ, кўрсангиз, Ҳамид Олимжон!

Кўклам боис безаниб олам,
Қизғалдоққа кўмилди буткул.
Ҳеч бир қалбда йўқ зарра алам,
Шодлик ва бахт яшнаган, гулгун.
Шодлик шеъри янграр бу замон —
Сиз келганда, Ҳамид Олимжон.

ШУКРОНА

Ҳаром ризқдан қиласман ҳазар,
Ундан асра художон, ҳар он.
Құлларимдан маңкам тутади,
Болагинам-миттигина жон.

Күзларига боқаман ўқтам:
Поклигимни күчирай қўрқмай.
Не маломат, машаққатлардан
Олиб ўтдим кўксимни ўқдай.

Бурда нонни тутқаздим ҳалол,
Бундан дилга рағбат олардим.
Ялинмадим сотқин, нокаста,
Сездирмадим ўкинчим, дардим...

Яхшиларга ёндош бўлганим
Балолардан асрар ҳар доим.
Икки кўзим қароғидайин
Ўғлим, қизим сақла, худойим.

Кўрганимга қиласман шукр,
Яратгандан сўрайман сабр...

ЁРУҒ КУН

Қаттиқ ишонаман, бизларга ҳали,
Ёруғ, шундай ёруғ, равшан кун келур.
Тиниқ олов рангли нурлардан кўзлар
Фоят ўзгача бир оҳанг-ла кулур...
Ёруғ, шундай ёруғ, равшан кун келур.

Ҳамманинг ҳаваси келади бизга,
Келар иккимизга энг пок туйфулар.
Бахтиёр онларни қўмсаб йиғлаган
Юрак қўшиқ бўлиб, кетар қайғулар.
Ҳамманинг ҳаваси келади бизга.

Фанимларнинг шундоқ кўзи ўнгида
Қип-қизил гулларни тутасан менга.
Ҳижронни бир умр парчинлаб ерга,
Шодумон кунларни элтаман сенга.
Шундайни ёруг кун албатта келур!

МУҲАББАТ

Юрагимта армон бўлди,
Армон қўшиқ — муҳаббат.
Софингларим тўкиб қайга,
Йиғласам-ей, зор фақат.

“Топилма” деб суйган юрак,
Қаттиқ экан билсам-а.
Осмондан ой, юлдуз кулар,
Дардим тўкиб солсам-а...

Адашганим — ёшлик йўли,
Кўп кўйларга қўйди-я.
Юрагимдан номинг узиб,
Армонимга йўйди-я...

Юрагимга армон бўлди,
Сигинганим — муҳаббат.
Ғаним кўздан қандай асрой,
Яширгани йўқ хилқат?!

СИЗДАЙ БҮЛСАМ

(45 йил ўқитувчилик қилған дада жоним
Эргаш Қосимовга)

Оқшом. Китоб варақдайсиз бот,
Яна эзар онамни ташвиш:
“Кеңа-кеча бүлмайди сира,
Кундузи-ку, ҳеч тутамас иш...”
Бепарвосиз, күзойнак тақиб,
“Шоҳнома”дан оласиз баҳра.
Навоийнинг девонин қўйиб,
Фузулийга бурасиз чеҳра.
Тун яримдан ўтган чоғида
Тоза ҳаво сипқорасиз бир.
Кўклам яқин, адирда чўпон
Гулханлари ёнибди ахир!..
Уйқу қочар энди, то саҳар
Дафтарларга қўясиз баҳо:
Қизил чизиқ тушмаса оққа —
Безак бўлса “яхши” ва “аъло”...
Завқ улашай дейсиз тонгта ҳам,
Ором олиб ётмайин андак.
Дадагинам, ҳар бир сўзингиз
Бизни қилди ҳаётда атак.
Сиздай бўлмоқ журъати ёнар,
Юрагимдан отиilar хитоб.
Машаққатдир ўрганмоқ ҳунар,
Бергим келар умримдан ҳисоб.

ТАБИАТ ҚИЗИ

Табиат аталмиш суюк онанинг
Вояга етибди гулбаҳор қизи.
Фасллар аталмиш тўрт фарзанд ичра
Гўзали, сулуви, мисли юлдузи.

Табиат — она ўз “сеп бисоти”дан
Либослар берибди қизига аъло.
Баҳорой севинчдан қучиб онасин,
Оlamга таъзимлар айлади бажо.

Бир ёнда устида кўк бахмалдан тўн
Кекса замин тураг ҳансираб, шошиб.
Дараҳтлар шохида гуллардан чамбар,
Булбул ноз этади шабнамдан ошиб.

Баҳорой бир ажиб тавозе билан
Замин узра кезар, қувончдан кулган.
Кир-адир кўмилган турфа гулларга,
Лолалар бу тўйнинг безаги бўлган...

АРМОН ҚҰШИҚ

Олисларда армон қолди, куй қолди,
Юрагимда әзғин-әзғин ўй қолди.
Бевафөнинг юз жафоси дилимда,
Хаёлларда келин либос, түй қолди.

Армонларим тошга айланар бугун,
Юрагимда ҳар кун туғилар тутун.
Қайға қочиб, қайдан паноҳ топайин,
АЗобларим тута олмаса тизгин.

Күзларимда куйланмайди у құшиқ,
Сүзларимда янглишилмас исми ҳам.
Армонлар-ей, ўтиб бўлмас сим тўсиқ,
Айттолмасман дардим энди, оҳ, алам...

Олисларда армон қолди, куй қолди,
Ўйларимда оқ либосли түй қолди...

ЙИГЛАМА, КҮНГИЛ

Йигламагин, йиглама, күнгил,
Арзимайди томчи ёшингта.
Умринг хазон этган йигитни
Садқа айла омон бошингта.
Йигламагин, йиглама, күнгил.

Мұҳаббатни олмаслар сүраб,
Сотмайдилар молу дунёга.
Күйинганинг тош юрак эрса,
Айлан сен ҳам мисли рүёга.
Мұҳаббатни олмаслар сүраб.

Тирилади ишонч, умидлар,
Қара, фарзанд камоли тотли.
Ёлғиз кечган тунларинг ҳаққи
Унут энди, унут отини.
Тирилади қайта умидлар.

Ёлвормагин суймаган қалбга,
Шафқат кутма ва кутма најжот.
Яраттувчим, ўзинг буюк зот,
Сен-ла боқий бири кам ҳаёт...
Суймаганга ёлворма, бекор...

БУГУН МЕНИ

Бугун мени қон йиғлатди ой,
Қаён боқмай ваҳима, ҳадик.
Юлдуз учар күнгилни ғашлаб,
Наҳот сенсиз қолмогим керак?

Сирли қўшиқ айттан мажнунтол
Шовуллайди кўксимни тиғлаб.
Айтинг, айтинг, бу қандайин ҳол
Наҳот қолдим борлиғим доғлаб?

Ором бермас хаёллар аро
Қабристонга бораман чопиб.
Вужудимла тасалли, эшит:
Охир сени оларман топиб...

Бугун мени қон йиғлатди ой.

ЙЎҚЛОВ

(Укам Фазлиддиннинг хотирасига)

Ярашардинг даврага бирам,
Бир кулиб, ўн сўйлаганинг дам.
Куёвликка етмаган укам,
Жудолидан дунёим бир кам.

Софинч эзив гамга чўкаман,
Қабрингта кўзёшим тўкаман.
Йигирма уч ёшда, кўкка ман
Кузатганим қиласди аlam.

Қайлардасан, қайдасан, укам?
Бўлолмасман дардингта малҳам.
Нечоғлик тор бевафо олам,
Нураб тушган кўнгил уйи ҳам.

Куёв тўнин киймаган иним,
Дилим билмас оғриқдан тиним.
Кошки ҳовуч тупроқ бўлиб, жим
Қабринг узра чўколсам мутлоқ...

ЭГИЛГАЙМАН РУХИНГА

Бойчечак бош эгади
Яна сенинг қабрингта.
Кўклам кўз ёш тўкади,
Ўн беш йиллик сабрингта.

Бунда — ёлғончи умр
Сувдай оқар сен сари.
Бойлик, шуҳрат ўткинчи,
Синов учундир бари...

Қабринг узра эзилсам,
Укажоним, ўкинма.
Ҳаёт мени эгмади,
Эгилгайман руҳингта!

ҚОР ҲАҚИДА ИККИ ШЕЪР

I

Кипригимга құнаёттан қор
Зарбасидан титрайди юрак.
Зарбасидан чүтимам зинҳор,
Беҳуда ўй кимга ҳам керак?
Беҳуда ўй кимга ҳам керак
Куйлайпман бутун оқ қүшиқ,
Қүшиққынам, юрагимга сол
Оlam завқин, куйлайин жүшиб...

II

Қор ёғмоқда битта-битта түшалиб,
Поклитини оламан-ей қалбимга.
Қор ёғмоқда севинчимдек беғубор,
Севинчларим айтсам экан мен кимга?!

Жүшқынлигим — поклик тушар бетиним,
Зеро унда кекса бобом каломи.
Шошқынлигим — умрим кутмагай бир зум,
Йўллай ахир дўстларга қор саломи.

Қор ёғмоқда ўйларимдек бетакрор
Поклитини оламан-ей қалбимга.
Жўш ургин, эй туйғуларим шиддаткор,
Фақат оқдик кириб келсин назмимга.

МУНДАРИЖА

Үлкам баҳори	3
Онажон	4
Қишлоғимда	5
Кел, кўклам	6
Кўклам таронаси	7
Руҳият	8
Манзара	9
Ирода	9
Софинч	10
Сен кетарсан	11
Яна баҳор	12
Тонгти ўйлар	13
Шаҳнозага	14
Ҳаёт қувончи	15
Илтижо	16
Номаълум аскарга	16
Сиз баҳтлисиз	17
Бағримни бут қилгин	18
Сиз келганда	19
Шукрон	20
Ёруғ кун	21
Муҳаббат	22
Сиздай бўлсам	23
Табиат қизи	24
Армон қўшиқ	25
Йиглама, кўнгил	26
Бугун мени	27
Йўқлов	28
Эгилгайман руҳингга	29
Қор ҳақида икки шеър	30

Адабий-бадиий нашр

НОРИНИСО ҚОСИМОВА

СОФИНЧ

Шеърлар

Рассом *Ю. Габзалилов*

Бадиий мұҳаррир *А. Кива*

Техник мұҳаррир *Т. Смирнова*

Мусахих *Н. Фозилова*

ИБ № 251

Босишига 27.03.2000 й. да рухсат этилди. Бичими 60x901/32.
Босма тобоги 0,9. Нашр босма тобоги 0,85. Адади 1000 нусха.

8 рақамли буюртма 22—2000 рақамли шартнома.

Баҳоси келишилгән нархда.

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасининг
А. Қодирий номидаги халқ мсрорси нашриёти.
700129, Тошкент, Навоий кўчаси, 30.

Тошкент молия институтининг босмахонасида тайёрланди.
700084, Тошкент, Х. Асомов кўчаси, 7.

200



Норинисо Қосимова 1959 йилда Зомин туманиндағы Ім қишлоғида туғилған. Шу ердаги Назирқул Құлдошев номли ўрта мактабда тақсил олған. 1983 йили Тошкент давлат дорилфунунини битирди, журналист. Ҳозир Сирдарё вилоятіда чиқады “Адолат күзгуси” газетасида ишлайди. Шеърлари вақтли матбугтуда мунтазам чоп этилади.